Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 5 август, шанба. №94 (21.857.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика халқ хўжалиги ҳамда аҳолисининг юк ва йўловчилар ташиш эҳтиёжини қондиришдаги фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

БАКДУРДИЕВ Сайилхан — Урганч темир йўл ва иншоотлари хизматининг йўл устаси

ВАЛИЕВ Рустам — Бухоро бўлими Самарқанд алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси Улуғбек бекатининг электр механиги

ҚОРАБОЕВ Кўчқор — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг чилангари

КУЗНЕЦОВ Виктор Яковлевич — Тошкент тепловоз депосининг чилангари

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АКРАМОВА Одинахон Толиповна — Фарғона бўлими Қўқон бекатининг навбатчиси

ҚОДИРОВ Рафиқ Сатторович — Фарғона бўлими Қўқон локомотив депоси йўловчилар ташиш тепловози машинисти

КАРАХИН Александр Семёнович — Компаниянинг электр таъминоти хизмати бошлиғи

КАРИМОЛЛАЕВ Бахитбай — Оролбўйи бўлимининг электр таъминоти Қўнғирот дистанциясининг электр монтери

КУЗИН Анатолий Васильевич — Компаниянинг поездлар ҳаракатини бошқариш бўйича ягона диспетчерлик марказининг поезд диспетчери

МАҚСУДХЎЖАЕВ Икром Ёдгорович — Тошкент бўлимининг хавфсизлик бўйича бош тафтишчиси

ЦОЙ Адольф Григорьевич — Сирдарё рефрижератор вагонлар депосининг созловчи-электриги

ЭШОВ Ваҳоб — Қарши вагон депоси корхонасининг назоратчиси

ЭМУРЛАЕВ Экрам Рустамович — Тошкент бўлими Ҳамза бекатининг поезд тузувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Илгари хабар берилганидек, Олий Мажлис Кенгаши парламентнинг навбатдаги учинчи сессиясини шу йил 30 августда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессияни тайёрлаш ва ўтказиш мақсадида Олий Мажлис депутатлари орасидан ишчи гуруҳи тузилган эди.

4 август куни ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлди. Уни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов бошқарди. Сессиянинг Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигини байрам қилиш арафасида ўтказилиши унга алоҳида аҳамият бахш этиши таъкидланди.

Депутатлар кун тартиби лойиҳаси масалалари юзасидан фикр алмашдилар, тайёргарлик ишини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар киритдилар ва учта кичик гуруҳ тузилар. Биринчи кичик гуруҳнинг вазифалари доирасига сессия материалларини тайёрлаш, уларни барвақт депутатларга етказиш ҳамда Олий Мажлис ишини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари киритилди, иккинчи кичик гуруҳ парламент фаолиятини ташкилий таъминлаш масалалари билан шуғулланади, учинчи кичик гуруҳга депутатларга техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш топширилди. Парламент мажлисларини тайёрлаш ҳамда депутатларнинг байрам тантаналарида иштирок этиши билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



Сурхондарё вилоятида жойлашган мамлакатимизда энг йирик туз конларидан бири — Хўжаиконда катта ўзгаришлар юз берди. Ош тузи тайёрловчи комбинатда юксак самарали автоматлаштирилган янги линия ишга туширилди. Бу Американинг «Трейтен Корпорейшн» фирмасининг маҳсулоти. Бу қурилманинг қуввати йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради. Янги автоматларда маҳаллий ёш йигитлар ишлашмоқда. Улар американлик мутахассислар томонидан яратилган янги технологияни бошқариш сирларини қисқа муддатларда эгаллаб олишди. Улар айни пайтда бир соат ичида 19 минг пакет туз тайёрлаб берадилар. Бу пакетларда 100 граммдан тортиб то 2 килограммгача туз бор.

Комбинатда янги технологик линия ишга туширилганига бор-йўғи бир ярим ой вақт бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида мамлакатимиз дўконларига бир ярим минг тоннадан зиёд «Хўжаикон» фирма белгиси бўлган маҳсулотлар келиб тушди.

СУРАТДА: корхона цехларидан бирида.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бугуннинг талаби

ҲУНАРИ БОР КАМ БЎЛМАС

Бозор иқтисодиёти кичик корхоналар ва хусусий фирмаларга эгалик қилишни тақозо этмоқда. Мақсад кам ишчи кучи сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш. Маҳсулотларимизни жаҳон бозорларига олиб чиқиш эса бугуннинг талаби. Зеро, халқимиз ҳунарманд. Бурунги пайтда кулолчилик, каштачилик, гиламдўзлик, кўнчилик, дурадгору, иморатсозлик йигитларимиз кўзлаган ҳунарлардан ҳисобланган бўлса, эндиликда замонамизга мос енгил машиналарни созлаш, телевизор, радио, музлатгични таъмирлаш, қолаверса тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг кўзини билиб, тижорат йўлида халқимиз оғирини енгил қилиш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Йирик корхоналарни бугунги кун шароитига мослаштириш натижасида ишчи ўринларини андак қисқартиришга тўғри келяпти. Бу билан кўплаб ишчилар вақтинчалик беиш қолишмоқда. Биз эса ана шундай аҳволга тушган кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, янги иш жойларини қидириш, фойдаланишга топширилаётган корхоналар ва фирмалар билан яқин мулоқотда бўлиб, бандликни мувофиқлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, Тошкентнинг Яккасарой туманида қарийб 110 минг киши истиқомат қилади. 2700 корхона ишлаб турибди. Шунга қарамай, вақтинча ишламаётган, ўз ҳунарига мос иш талаб қилаётганлар етарли. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 389 нафар киши иш сўраб ариза ёзишди. Уларнинг 277 нафари иш билан таъминланди. Қолганлари эса касб ўрганиш истагида ўқиб, малака оширишни ихтиёр этди.

Маълумки, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш моддий жиҳатдан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қилиняпти. Меҳнат биржамизда айнан ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясига аҳамият беряпмиз. Бунда улар яшаб турган маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, ўзига хос йиғинларнинг қарорига мувофиқ моддий ёрдам кўрсатиш амалга оширилмоқда. Туманда 17 та маҳалла бор. Ходимларимиз ҳар бир маҳаллада бўлиб, одамларни иш билан бандлик ҳолатларини ўрганмоқдалар.

Туманда фуқароларнинг иш билан бандлик ҳолатларини ўрганиш мақсадида туман ҳокимининг қарорига мувофиқ ярмарка уюштирилди. Ярмаркада 22 корхона бўш иш ўринлари, тўртта ўрта махсус билим юрти эса ёшларни касб ўрганишга даъват этиш бўйича қатнашдилар. Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад одамларни иш билан таъминлаш ёки касб-ҳунарга чорлашгина эмас, балки уларга меҳнат қонунчилиги, ижтимоий таъминот каби масалаларда фойдали маслаҳатлар ҳам бериш кўзда тутилган эди. Ярмаркага келганлардан 112 фуқаро иш ўрни билан таъминланди. Албатта, ҳунари бор кам бўлмас деганларидек, ҳар қандай қийин шароитда ҳам қўлидан иш келадиган одам сўзсиз ижтимоий фойдали меҳнат қилишга шай бўлиб туриши кўзга ташланди. Ниятимиз Ватанимизга хизмат қилишга азму қарор қилганлар сафини кенгайтиришдан иборат.

Маъмура АЗИЗОВА,
Яккасарой туман бандлик хизмати раҳбари.

«ЎЗИНБАНК» ЎЗБЕКИСТОН ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТУГАТИШ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари, корхона ва ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Тугатиш комиссияси иш бошлаганлиги муносабати билан 1995 йил 3 августдан бошлаб «Ўзинбанк» берган лимитланган чек дафтарчаларидаги чекларни тўловга қабул қилиш тўхтатилади.

«Ўзинбанк»да хизмат кўрсатиладиган барча хўжалик юритувчи ташкилотлардан лимитланган ва пул-чек дафтарчаларини топширишларини сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 1 августда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 21,86 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 31,20 сўм даражасида қайд этилди.

Марказий банк 1995 йил 4 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,20 сўм.

—Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,20 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХАЛҚ НОИБИ ЎЛДИРИЛДИ

МАХАЧҚАЛЪА. Оғир ярадор ҳолда касалхонага келтирилган Доғистон Республикаси халқ кенгашининг ноиби, Тарумо тумани маъмурияти раҳбари Иван Иванов ҳаётдан кўз юмди.

Маълумотларга қараганда, 2 август кечаси унга ўз ҳовлиси яқинида номаълум жиноятчилар автоматдан ўқ узган.

Содир булган воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилган. Жиноятчилар эса ҳали аниқланганги йўқ.

СОБИҚ ЮГОСЛАВИЯГА САФАР

ПАРИЖ. Франция ташқи ишлар вазири Эрве де Шаретт Босния ва Герцоговина раҳбарияти билан учрашиш учун собиқ Югославияга сафар қилди.

Франция Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилининг маълум қилишича, учрашувда, асосан собиқ Югославияда тинчликни барқарорлаштириш масаласи муҳокама қилинади.

ШАРҲЛОВЧИГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ

ОТТАВА. Машҳур спорт шарҳловчиси Брайан Смитнинг ўлими бутун шаҳар аҳолисини ларзага солди.

Маълумотларга кўра, Б. Смит телестудиядан чиқиб, машинаси томон келаётганда сойли милтиқдан отилган ўқ унинг бошига теккан.

Суиқасд содир бўлган вақтдан бир неча соат ўтиб, полиция 38 ёшли кишини ҳибсга олди. Полиция унинг ушбу жиноятда қўли бор, деб гумон қилмоқда.

ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ЕРЕВАН. Арманистон Миллий хавфсизлик вазирлиги мамлакат олий кенгашининг собиқ ноиби, «Дашнокцутюн» мухолиф партиясининг фаол аъзоси Гарник Исагулян ва кенг жамоатчиликка деярли маълум бўлмаган Ашот Авестисянларга нисбатан қидирув эълон қилди. Аниқланишича, улар Арманистондаги ҳукуматга мухолиф яширин қўпорувчилик ташкилотига даҳлдор бўлган.

Айни пайтда ушбу ташкилот Арманистон Миллий хавфсизлик вазирлиги томонидан фош қилинган ва бу хусусда жиноий иш қўзғатилган.

Ташкилотнинг қўлга олинган аъзолари тергов қилинмоқда.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАДДАН ТАШҚАРИ КЎПАЙДИ

Литва ҳукуматининг матбуот бўйича назорат бошқармаси раиси Шведрис Швипартас журналистлар билан суҳбатда, матбуот ҳақидаги қонунга ўзгартиш киритиш таклифини илгари сурди.

Матбуотни назорат қилиш бошқармасининг маълумотларига кўра, айни пайтда Литвада 500 та газета, 305 та журнал нашр этилмоқда., 739 та босмахона, 51 та радиостанция 104 та телестудия ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги хусусий ҳисобланади. Бошқарма бошлиғининг эътироф этишича, ушбу оммавий ахборот воситалари Литвадек кичик мамлакат учун жуда кўпдир.

УКРАИНА ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО БЎЛМОҚЧИ

Украина ноябрь ойларида Европа Иттифоқига аъзо бўлиши мумкин. Украина Олий Кенгашининг ташқи ишлар ва МДҲ давлатлари билан алоқалар бўйича комиссия раиси Борис Олейник матбуот анжуманида шуни таъкидлади. У шунингдек, мамлакат парламенти делегациясининг Европа Иттифоқи қароргоҳига ташрифи натижалари ҳақида ҳам журналистларга гапириб берди. Украина депутатлари Европа Иттифоқи ассамблеяси ишида қатнашиб, унинг раҳбари Мигел Мартинес билан учрашди.

АЛОҚА ХИЗМАТИ ҚИММАТЛАШДИ

1 августдан бошлаб Москва шаҳрида аҳоли ва давлат бюджетига қарашли ташкилотлар учун алоқа хизмати тарифлари оширилди. Москва шаҳар телефон тармоқларидан олинган хабарга кўра,энди бир ойда телефон учун тўланадиган ҳақ 12000 рубль бўлди (илгари 6000 рубль эди). Коммунал хонадонлар учун ойлик телефон ҳақи 14 минг 400 рубль, бюджет ташкилотлар учун эса 20 минг рубль белгиланди.

ДАРОМАДИНИ ЯШИРГАНИ УЧУН

Ўз даромадини ҳукуматдан яширгани учун машҳур немис теннис устаси Штеффи Графнинг отаси полициячилар томонидан ҳибсга олинган эди. Маннгейм шаҳри терговчисининг таъкидлашича, ушбу айб билан Штеффи Графнинг ўзи ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Айни пайтда эса Уимблдон турнирининг олти марта ғолиби — Штеффи Граф яқинда очиладиган теннис бўйича АҚШнинг очиқ чемпионатида иштирок этиш учун Америкага жўнаб кетган.

ДУНЁ ҒАЛЛАСИ КАМАЙМОҚДА

Жорий йилда дунё бўйича режадагидан 24 миллион тонна кам ғалла ҳосили етиштирилади. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ташкилоти ушбу маълумотни тарқатди. Умуман, 1995 йилда ғалла ҳосили ўтган йилга нисбатан 2 фоиз кам йиғилиши мўлжалланмоқда.

БАХТСИЗ ХОДИСА ОҚИБАТИ

Ҳиндистоннинг Шимолий Бенгалия штатидаги дарёда йўловчи ташийдиган паром чўкиб кетди. Полиция маълумотига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида камида 60 нафар киши ҳалок бўлган.

НОРОЗИЛИК МАКТУБИ

Норвегиядаги барча сиёсий фирқалар Франция Президенти Жак Ширакка қўшма мактуб йўлладилар. Номада Франциянинг Тинч океани ҳавзасида ядро синовларини қайта бошлаш тўғрисидаги қарори муносабати билан қаттиқ норозилик билдирилган.

КИЕВДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Сербия Республикаси ҳукумати раҳбари Мирко Марьянович Киевда Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Музокараларда томонлар халқаро зиддиятлар ва икки давлатнинг ички ҳаётидаги муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар, Босниядаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш масаласи муҳокама қилинди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Ишлаб чиқариш

ХОСИЯТЛИ УСУЛ

• АНДИЖОН. (мухбиримиздан). Хўжаобод тумани савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг нон комбинатида маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш билан бирга янгиликларни қўллашга ҳам аҳамият берилмоқда.

Комбинат жамоаси бу йилдан унни қопсиз махсус автомашиналарда ташишга ўтган эди. Алоҳида идишларда унни сақлаш эса исрофгарчиликнинг олдини олишга имкон берди. Корхона ўзига хос усулда замон талабларига мос саъй-ҳаракатлар қилиб, ўтган олти ой мобайнида 254 минг сўм иқтисодий фойда кўрди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Ободончилик

ХОВОС ҚИРЛАРИДА

• СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Янгиер — Баландчақир сув тармоғини бунёд этиш қизғин давом этмоқда.

Бундай об-ҳаёт тармоғи туфайли Ховос қирларига ҳам сув чиқиб, янги хўжаликлар ташкил этилмоқда. Шундай хўжаликлардан бирига «Ниҳол» номи берилган. Бу хўжалик сув тармоғининг учинчи босқичи, учинчи насос станцияси ҳудудида жойлашган. Ховос қирларига сув келиши билан янги ширкат хўжалиги аъзолари 400 гектар ерни боғ-токзорларга айлантиришди.

Абдужалил УМАРОВ.

Саломатлик

БЎСТОНБУВА ОРОМГОҲИ

• ФАРҒОНА (жамоатчи мухбиримиздан). Олтиариқ, Рапқон, Чимён, Бошгерак каби оромгоҳлар сафига янги Бўстонбува дам олиш маскани ҳам қўшилди.

Бустонбува чўл қишлоқлардан булиб, ери қумликлардан иборат. Олимлар ана шу қум барханлари қаърида улкан маъдан сув ҳавзаси борлигини аниқлашди. 1989 йили2600 метр чуқурликдан ҳарорати 66 даражали сув отилиб чиққан эди. Сувнинг таркибида Менделеев жадвалига хос 60 хил элемент, 36 хилдан кўпроқ маъдан борлиги маълум бўлди. Оромгоҳ очиш учун эса бир литр сувда 40 грамм маъдан булиши керак экан. Бустонбува сувида эса бу миқдорнинг беш марта кўплиги тасдиқланди. Шу тариқа саломатлик маскани юзага келиб, ҳозир бугин касалликлари, қўл, оёқ, бел оғриқлари, тери, бепушт лик, қанд, аёлларга хос дардларга даво берилмоқда. Оромгоҳда шам, уқалаш каби муолажалар, физиотерапия хоналари мавжуд.

Саид МУҚИМОВ.

Қўшма корхона

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

• ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Сингапур — Ўзбекистон қўшма корхонасида замонавий компьютерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхона бош директори Санжар Султонхўжаевнинг таъкидлашича, йил бошидан бери амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Содда, нархи арзонроқ, ҳар қандай топшириқларни аниқ бажарувчи компьютерлар харидоргирлиги билан эътибор қозонмоқда. Бундай компьютерларни йиғиш учун «Ватан—Трейдинг ЛТД» корхонаси раҳбалари мол айирбошлашни яхши йўлга қўйишган. Хусусан, Сингапурга ипак етказиб берилмоқда, у ердан эса компьютер қисмлари, оргтехника буюмлари ва мебель олиб келинмоқда.

Равшан ШОДИЕВ.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

Ўзбекистон ХДП Хива туман кенгашида 3 мингга яқин партия аъзоси бўлиб 88 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Уларнинг 80 фоизга яқини бевосита ишлаб чиқаришда, халқ таълими, тиббиёт, маданият, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилади.

Туман партия кенгаши миллий қадриятларни тиклаш, халқ анъаналарини рўёбга чиқариш ва уларни янги шароитда ривожлантириш борасида намунали ишлар олиб бормоқда. Мухбиримиз Хива туман партия кенгаши биринчи котиби З. МАЙНАЗАРОВ билан суҳбатлашди.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯСИДА

Туман партия кенгаши энг аввало, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу ишга партиямиздан туман Кенгашига сайланган депутатларни фаол қатнаштиришга эришяпмиз. Партия ташкилотлари миллий қадриятларни тиклаш жараёнида ўз сиёсатини халқ онгига сингдирмоқда. Бу борада туман ташкилотларида қилинган ва қилинаётган ишлар талайгина.

— Айримларини айтиб ўтсангиз.

— Қисқа фурсат ичида кўпгина бошланғич партия ташкилотлари маориф ва маданият соҳасида ибратли тажрибалар тўпларида ўтказилган кечаларда янги удумлар аниқланди, қўшиқлар топилди. Иккинчидан, «Узбекистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти фуқаролар йиғини кенгаши билан бирга яхши ташаббус бошлади. Шундан сунг барча маҳаллаларда 15 нафар кишидан иборат маҳалла қўмитаси тузилди ва уларга аниқ вазифалар юклатилди. Тўй ва маросимлар ана шу қўмита аъзолари иштирокида ўтказилади. Тўйлар кам чиқим, дабдабасиз, маданиятли қилиб ўтказила бошланди.

— Ҳозирги итисодий қийинчиликлар бўлиб турган бир пайтда аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам кейинги йилларда тикланган анъаналаримиздан.

— Тўғри, бу партия ташкилотининг доим назарида бўлган масала. Хива шаҳар ва туманида 15 минг 464 нафар фахрийларимиз, 238 нафар уруш ногирони, 229 нафар якка-ёлғиз кам таъминланган оила бор. Ҳар бир уруш қатнашчиси ва ногиронига салкам олти минг сўм, якка-ёлғиз ва кам даромадли оилаларга ўтган йили бир ярим миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Болалар уйи тарбияланувчиларидан саккиз нафарининг суннат тўйида уларнинг омонат дафтарчаларига юз сўмдан пул ўтказилди. Ун йил мобайнида шу юз сўм ҳисобидан уларнинг ҳар бирининг омонат дафтарчаларидаги пул юз минг сўмдан ошиб кетади.

Шуни ҳам айтишим керакки, тарғибот-ташвиқот партия ташкилотининг қаноти. Бусиз юқоридаги ишларни муваффақиятли бажариш мумкин эмас. Шу мақсадда туман партия ташкилотларида 84 та сиёсий тўгарак тузилиб, уларга 2400дан зиёд киши жалб қилинган. Жойларда «Ягона мулоқот» куни, депутатлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Деворий газеталарнинг махсус сонлари чиқарилмоқда, клуб ва кутубхоналарда адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинмоқда.

Сунгги йилларда улуғ кишилар номларини абадийлаштириш борасида ибатли ишлар қилинаётир. Ал-Хоразмий, Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Феруз номлари билан аталувчи жамоа хўжаликлари, мактаблар мавжуд. Утган йили Р. Маданинов номли жамоа хўжалигида «Хўжалик тарихи музейи» очилди.

—Миллий қадриятларни тиклаш юзасидан келгуси режаларингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Биринчидан, шу бошланган ишларимизни давом эттириш, иккинчидан, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан «Хоразм адабиёти ва санъати» музейини ташкил қилиш ишларида фаол иштирок этиш, жонажон шаҳримиз тарихини ўрганишда ўз ҳиссамизни қўшишдек ниятлар билан меҳнат қиляпмиз.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

дилар. Р. Маданинов номли, «Хива», Огаҳий номли, «Узбекистон» жамоа хўжаликларининг бошланғич партия ташкилотлари Хива туманида асрлар мобайнида ота-боболаримиз томонидан яратилган илм-фан, унутилган урф-одатлар, қадриятлар, бой меросимизни қайта тикламоқда. Улар ўз ижодкори бўлган халққа қайтарилмоқда.

Хивада қўғирчоқ театри ташкил қилинди. Шаҳардаги «Хива нақшлари» ашула ва рақс ҳамда «Достон» фольклор этнографик дасталари, тумандаги «Феруз» мақомчилар дастаси, шунингдек, мусиқа мактабларида махсус гуруҳларда унутилиб кетган куй-қўшиқлар қайтадан тикланмоқда. Санъатнинг турли соҳаларида кўрик-танловлар утказяпмиз. Бу унутилган қадриятларни қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, бу тадбирлар истеъдодли ёшларни излаб топишда ҳам қўл келмоқда. «Энг яхши ижрочи», «Энг яхши сувора ижрочиси», «Энг яхши лазги ижрочиси» деб номланган кўрик-танловлар шулар жумласидандир. Бу ишларни амалга оширишда Хива туман маданият бўлими бошлиги ХДП аъзоси П. Бобожоновнинг партия ташкилотига ёрдами катта бўляпти.

Узбек тилига давлат мақоми берилишига бағишлаб кутубхоналарда, қишлоқ клубларида адабий-мусиқали кечалар, мушоиралар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Хива педагогика билим юртида қўшиқнавис шоир Ошиқ Эркин, шоир ва таржимон М. Абдулҳакимов билан бўлган учрашув худди ана шу мавзуга бағишланди.

— Туман партия кенгаши тўйларни ўтказишда ташаббус бошлаганини эшитдик?...

— Тўй ўтказиш баҳонасида эски қўшиқлар, удумлар, иборалар, янги қадриятлар юзага келмоқда. Бу ҳам янгилик. Ўтган йилнинг август ойида «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман ҳокимлиги, маданият бўлимлари, туман хотин-қизлар кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи қўмитаси билан ҳамкорликда шаҳар дам олиш ва истироҳат боғида маҳаллалар ўртасида «Алла» қўрик-танлови, шаҳар ва туман маҳаллаларида «Турмуш фаровонлиги-оила чароғонлиги», «Қайнона ва келин» мавзу-

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида айтилганди

ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Узбекистон истиқлоли йўлида хизмат қилишга бел боғлаган тадбиркорларнинг кўкрагига шамол тегди. Бунда юртбошимизнинг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий Фармони муҳим аҳамият касб этди. Ана шу Фармон асосида жойларда жамғарманинг бўлимлари ташкил этилди.

Ғиждувон азалдан тадбиркор, ишбилармонлар юрти бўлган. Шу боисдан ҳам бу кўҳна шаҳарнинг бозори сероб, дастурхони тўкин. Ҳунарманд, косиблар маҳоратини айтмайсизми? Аммо довруғи етти иқлимга кетган бу юрт муъжизакор усталари, тадбиркорлари ҳозиргидек ҳеч қачон қўллаб-қувватланмаган эди. Истиқлол берган саодатга шукурки, энди уларни ҳимоя қилувчи идора — кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи республика жамғармасининг туман бўлими бор. Бўлим қисқа вақт ичида юзлаб тадбиркорларни ўз атрофига жипслаштирди.

— Илгари давлат корхоналарида ишлаганман, — дейди биз билан суҳбатда «Нуъмон» ишлаб чиқариш-савдо фирмаси директори Олим Қораев. — Ишдаги муаммони ҳал қилиш учун, саволларимизга жавоб топиш учун юқори ташкилотлардан мадад кутардик. Бунинг учун анча вақтимиз кетарди. Энди хусусий фирма эгасиман. Табиийки, тадбиркор маслаҳат ёки кўмакка муҳтож бўлади. Бу борада бизга «Бизнес-фонд» ва давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўз ёрдамини аямяптилар.

Дарҳақиқат, Ғиждувонда хусусий корхона, фирмалар юздан зиёд. Биз «Ғайрат» фирмаси раҳбари Зокир Қиёмов билан суҳбатлашдик.

— Биласизми, — деди у, — «Бизнес-фонд» жамғармаси туман бўлими биз учун таянч нуқта ҳисобланади. Ҳамма ишимизга шулар бош-қош. Бу, албатта бизга катта куч-ғайрат ато этади.

Зокиржоннинг таъкидлашича, у хусусий фирма очиш ниятида бўлимга келганда унга тўғри маслаҳат беришибди: маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш яхши самара беради. Шунинг учун гишт ишлаб чиқарадиган цех очиш лозим. Ускуналарни Тошкентдан арзон нархда олиш мумкин.

Тўғри йўл кўрсатишга не етсин! Ҳозир «Ғайрат» фирмасининг А. Ғиждувоний номли жамоа хўжалиги ҳудудида гишт корхонаси бор. Унинг маҳсулоти узоқ туриб қолмаяпти. Бўлим «Ғайрат» тадбиркорларига яна шундай бешта ускуна олишга кўмаклашиш учун 500 минг сўм кредит бермоқчи.

— Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг келажаги қандай?

Шу савол билан бўлим раҳбари Илҳом Икромович Жалиловга мурожаат қилдик.

— «Бизнес-фонд» келажакда тадбиркорларнинг мустаҳкам таянчи бўлишига ишонаман, — деди у. — Чунки, бизгача бирор бир давлатда Президент ва ҳукумат томонидан тадбиркорларга кўмаклашувчи бундай жамғарма ташкил этилгани йўқ. Бу фақат бизнинг мустақил Узбекистонимизда бор. Жамғармада ишчан кадрлар ишлаяпти, мақсад аниқ. Яқинда Тошкентда «Бизнес-фонд» директорларининг семинарида фонднинг истиқболи порлоқлигига амин бўлдик. Энди истеъмол бозорида тадбиркорларнинг урни яққол сезилиши шубҳасиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислом КАРИМОВ:

Бугунги энг долзарб масалалар тўғрисида гапирар эканмиз, қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб қаралмоғи керак.

БИРЛАШГАН ОРЗУСИГА ЕТАДИ

Узун туманидаги Бўри Очилдиев номли жамоа хўжалигида хусусийлаштириш, ғалла мустақиллиги йўлида анча ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Республикамизнинг ғалла мустақиллигига эришишида хўжалик 2100 тоннали ғалласи билан ўз улушини қўшди. Жами 1728 гектар суғориладиган ва 400 гектарга яқин лалми ер бўлиб, шундан 700 гектарида бўғдой етиштирилган эди. Ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ҳосил олинди. Ғалладан бўшаган майдонларга эса пешма-пеш маккажўхори, саксон гектар ерга эса эртапишар «Юлдуз» навли ғўза экилди.

Хўжалик аҳли мустақилликнинг тўртинчи йили ҳосили учун тер тўкиб меҳнат қилмоқда. 820 гектар майдондаги «Наманган-77» ва «Юлдуз» навли ғўзадан жорий йилда давлатга 3100 тонна сотиш режалаштирилган.

Шу йилнинг ўтган ойлари давомида колхозчиларга эллик тонна пахта ёғи, 120 тоннага яқин ун, эллик тонна сабзавот ва мева арзон нархларда тарқатилди. Хўжалик аҳолиси тўлиқ ичимлик суви билан таъминланган. Йил охиригача барча хонадонлар тўлиқ газлаштирилади.

— Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар қилинди, — дейди хўжалик бошқуруви раиси Х. Очилдиев; — Сотволди Аллаёров, Ҳайдар Дўстқулов, Очилди Хуррамов каби фермерларимизнинг ҳар бирида ўттиз бошдан 110 бошгача қорамол бор. Уларга 10-15 гектаргача ер майдони ажратиб берганмиз. Сут, гўшт топшириш режалари ёмон эмас. Хуллас, ички имкониятларимизни хўжалигимиз аҳолисининг тинч ва фаровон турмуш кечиришлари учун сарфлаяпмиз. Тўғри, қийинчилик ва муаммоларимиз ҳам бор. Лекин, «бирлашган ўзар...» деганларидек бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсак, албатта, ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўтамиз. Халқимиз орзу-умид билан яшамоқда, ҳалол меҳнат қилмоқда. Бу меҳнат албатта, бир кун ўз самараси беради.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИНОВДАН ЯХШИ ЎТДИ

Нукус шаҳар сут заводи сут ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач ишлар юришиб кетди.

Бу ерда маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари анча кўпайди. Сифати яхшиланди. Қаймоқ, қатиқ, сариёғ, сузма ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган эди. Эндиликда янги линия қурилиб ишга туширилганлиги муносабати билан чанқовбосди айрон ишлаб чиқарилмоқда. У шаҳарнинг 28 нуқтасида сотилмоқда. Бу газли ва бошқа сувлардан икки - уч марта арзон.

Москва шаҳридаги «Росшар» фирмаси билан шартнома асосида янги цех қуриб, ишга туширдилар. Цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шу фирмага сотилади. Қимматбаҳо елим, шунингдек оғир саноат, енгил ва озиқ-овқат саноатларида хом ашё сифатида фойдаланадиган сут маҳсулотлари чиқиндиларидан казеин ишлаб чиқарилмоқда.

Сутдан қуюлтирилган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси ҳам ўзлаштирилмоқда. Бу ишларда муҳандис мутахассислардан С. Отабоев, К. Бекешов, Д. Тожибоевлар намуна бўлишмоқда. Қуюлтирилган сут маҳсулотлари дастлабки синовдан яхши ўтганлиги жамият аъзоларини ниҳоятда қувонтирмоқда. Бу маҳсулотларни шу йилнинг тўртинчи чорагига бориб савдога чиқариш режалаштирилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи

УМИДБАХШ ФАРМОН, КЎНГИЛДА ҚОЛМАС АРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармонини бажариш Бўз туманидаги Манноб Жалолов номли ширкатлар уюшмасида энг долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида кишиларни, айниқса кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширияпти. Қишлоққа саноат юз тутмоқда.

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

Авваллари ширкатлар уюшмаси ўрамидаги «Аҳмадобод», «Янгиобод» қишлоқларига 9 километр узунликдаги газ кувурлари тортилган бўлиб, 122 хонадон арзон ёнилгидан фойдаланарди, ҳолос. Ҳаётбахш Фармон туфайли «Янги ҳаёт», «Дармон ота», «Наврўз», «Янги турмуш», «Яккатол» қишлоқларига ҳам газ келди. Бунда Анжидондаги 3-ихтисослаштирилган кўчма жамланма, «Зангори олов» фирмаси жамоалари катта хизмат кўрсатдилар. Ширкатлар уюшмаси томонидан иш маромини жадаллаштириш учун тажрибали уста Долимжон Тоғаев бошчилигида тузилган пайвандчилар бригадаси газ кувурларини ўтказишда мададкор бўлди. 1994 йилда уюшма ўрамидаги қишлоқларни газлаштириш узилкесил тугалланди. 125 километр узунликдаги металл қувурлар арзон ёнилғи узата бошлаган кун байрам бўлиб кетди.

Қишлоқ фуқароларининг аксарияти ширкатлар уюшмасида меҳнат қиладилар. Хонадонларга газ тушириш чоғида уларга яна бир қулайлик яратилди. Асосий газ қувуридан уй ичкарисига газ ўтказишда фойдаланиладиган металл қувурлар алоҳида рўйхат-ҳужжатга мувофиқ уюшма ҳисобидан ишловчиларнинг иш ҳақи эвазига берилди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб хонадон соҳибларига анча енгиллик келтирди. «Зангори олов» тафтидан барча баравар баҳраманд бўлиши таъминланди.

АҲОЛИГА ЗИЛОЛ СУВ

Кейинги вақтда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. «Новбоши», «Янгиобод», «Янги маҳалла» қўчаларига сув қувурлари тортилди. «Наврўз», «Янги турмуш» қишлоқларидаги сув иншоотлари таъмирланди. «Оқолтин» маҳалласига тоза ичимлик суви олиб бориш учун лойиҳа ишлари бажарилиб, қурилиши бошланиш арафасида турибди. «Ўн уйлик», «Мингтол» маҳаллаларига сув етказиш лойиҳа-ҳужжатлари ҳозирланяпти.

— Қишлоқларимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга эътиборни кучайтиряпмиз, — деди ширкатлар уюшмаси раиси Икромжон Маматов. — Ички имкониятлардан фойдаланиб, бу борада бурилиш ясаш муддаомиз.

Бу ерда зилол, тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлаётганлар сафи кундан-кунга кўпайяпти.

КЎНГИЛДА МЕҲР БИСЁР

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя этишга ҳам эътибор берилаётганлиги амалга оширилган тадбирлар кўламида ҳам аниқ кўринади. Уюшма далаларига экилган буғдойдан мўл ҳосил олинди. Жон бошига қараб уюшма ўрамидаги тегирмонда тортилган ун тақсимланди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронларга ҳам кўмак бериляпти. Қишлоқлардаги кам таъминланган 30 та оила аниқланиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Вақти-вақти билан гуруч, ун, ёғ етказиб бериляпти.

«Янги турмуш» қишлоғида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони, икки фарзанднинг онаси Ҳабибахон ая Мамасолиевага уюшма ҳисобидан икки хонали уй қуриб берилди.

ДАЛАЛАРГА ТУТАШ ЦЕХЛАР

Бугун хом ашё етказиш билан биримиз икки бўлмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Тадбиркорлик билан ҳаракат қилиб тайёр маҳсулот чиқариш даромадга даромад қўшяпти. Уюшма раҳбар-мутахассисларидан тортиб оддий ишчигача қишлоқларда турли цехлар ташкил этиш йўли қўллаб-қувватланяпти. Далаларга туташ жойларда кичик корхоналар барпо этиляпти. Хом ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехнинг фаолияти тез юришди. Йилига 600-700 минг дона хом ғишт тайёрлаётган кичик корхонада 11 киши ишлаяпти. Ўз ишининг усталари бўлиб бораётган ишчилар шу ерда пишиқ ғишт тайёрлайдиган цех қуришни режалаштирдилар.

Дурадгорлик цехида эшик, ром, стул, стол, хонтахта дейсизми, марҳамат қилиб буюртма бераверинг, уни кўнгилдагидек бажариш кафолатланади. Маҳаллий материаллардан фойдаланиш ҳисобига ёғоч тақчиллигини анча юмшатишга эришяптилар. Вояга етган терак, толларни кесиб 50-60 кубметр ёғоч заҳираси яратилди. Маҳсулотлар тайёрлаш имконияти кенгайди.

Қишлоқ тегирмонида тортилаётган ун сифати шаҳардаги корхоналардан қолишмайди. Бир кеча-кундузда 3 тонна тозаланган бўғдой унга айланади. Тегирмон уюшмага катта фойда келтиряпти. Тегирмоннинг унумли ишлаши туфайли болалар боғчасига 2,5 тонна ун етказиб берилди. Чорвачилик фермасига эса 12 тонна кепак берилди.

Уюшма ўрамидаги пайвандлаш, консерва цехлари фаолиятидан ҳам кўпчилик наф кўрмоқда. Хом ашё тайёр маҳсулотга айланяпти. Далаларга туташ кичик корхоналар қаторига яқин кунларда тикувчилик цехи ҳам қўшилади. Ўнлаб кишилар муқим ишли бўлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот чорраҳаларида

НОН БИЛАН ДАСТУРХОН ЎРКАМ

Ғалла мустақиллиги сари ташланаётган қадамларимиз умидли бўлиши кутилмоқда. Чунки етиштирилган ҳосил чўғи ҳам буни исботламоқда. Ахир, мамлакатимиздаги 1,6 миллион гектар бўғдойзордан 3 миллион 300 минг тонналик ҳосил бўйбастини кўрсатди.

Албатта, бу режалар бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз аҳолисининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаби, эҳтиёжидан келиб чиқмоқда.

—Дарҳақиқат, янги ҳосил хирмони заводимизга етиб келди. Аввалари ўзимизнинг бўғдойдан яхши нон тайёрланмайди, дегувчилар бугун жим қолишди. Жуда мазали қилиб янги ҳосилимиз унидан нонлар тайёрламоқдамиз, — дейди «Тахтапул-нон» очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси, тажрибали озиқ-овқат саноати ходими Зуҳриддин Эрматов. — Бир кеча-кундузда корхонамизнинг ўзида 45 тонна, жойлардаги кичик новвойхоналарда 30 тоннага яқин нон маҳсулотларини ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимизнинг дўконларда туриб қолмаслиги учун аввало сифатига кескин эътибор бериляпти. Ҳаммадан ҳам ёз кунлари тайёрланган маҳсулот туриб қолмаслиги керак. Мутахассис-новвойларимиз нонларнинг янги турларини ўзлаштириш билан бирга миллий оби нонларимизни ишлаб чиқаришга ҳам эътиборни кучайтиришяпти. Ўтган йилдан бошлаб ўнга яқин патир нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Янги маҳсулотлар ичида тўйимлилиги, айрим бемор кишиларга шифобахшлиги билан ҳам ажралиб турадиган турлари мавжуд. Заводимизга қарашли 12 та фирма-нон дўконлари бор. Нон энг аввало, тўғридан-тўғри дўконларга етказилади.



Бундан ташқари нонимиз яхши ва сифатли бўлганлиги боис пойтахтимизнинг 250 дан ошиқ нон дўконлари маҳсулотларимизга доимий харидор.

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда янгиликлар анча. Масалан, битта жойнинг ўзида нон ёпиш ва шу ернинг ўзидан ихтисослаштирилган дўконларда уни сотиш йўлга қўйилди. Бу борада ҳукуматимизнинг бу тизимга «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга эътиборни қаратаётганлиги ютуқларимиз калити бўлмоқда.

Корхонанинг пойтахтимиздаги Ибн Сино мавзесидаги ҳамда Феруза даҳаларидаги бўлинмаларида «Винклер» фирмаси технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларда пиширилган турли-туман, зувала шаклидаги хуштаъм нон истеъмолчиларга маъқул келмоқда. Яқинда заводимиз қошида ўзимизнинг махсус дўконимизни ҳам очдик. Бу ерда харидор иссиқ нон харид қилиш билан бирга қаҳва ёки салқин ичимликлардан ичиб тамадди қилиб олиши учун қулай имконият яратдик.

Корхона раҳбари Зуҳриддин Эрматов қилинаётган ишлар ва режаларга тўсиқ бўлаётган бирталай ғовларни ҳам гапириб берди.

— Ахир, корхона 1936 йилдан буён фаолият кўрсатяпти. Бу йиллар давомида қанчалаб нон ишлаб чиқарилмади, қанчалаб одамларга ризқ-рўз улашилмади, дейсиз, — дейди у. — Шу боисдан ҳам аввалги «5-нон заводи» аталмасидан воз кечилиб, эндиликда шу ернинг тарихий номида «Тахтапул-нон» деб юритила бошланди. Кўриниб турибдики, бу ерда азалий ва тарихий номнинг тикланиши ҳар бир корхона жамоасига руҳий мадад бўлмоқда. Айниқса, инсон учун муътабар ва азиз — нон маҳсулотлари тайёрланаётган даргоҳ аждодларга беқиёс иззат ва ҳурмат тимсоли бўлиб қолгандек. Бунинг устига покизалик, саранжом-саришталикни айтмайсизми?

Корхона аҳли миллий қадриятларга қайтаётган бир даврда кексаларга эътиборни ҳам бир-бирига эш, ҳамоҳанг олиб бормоқда. Бугунги кунда 90 ёшдан ошган корхона собиқ директори Анна Таниева, 80 ёшни қаршилаган, иккинчи жаҳон уруши ногирони Дадабой Акбаров сингари кексалар корхона маъмуриятининг эъзози-

нархларда шифер, ғишт билан ёрдамлашилмоқда.

— Биз нон маҳсулотини иложи борича арзон нархда аҳолига сотишни таъминлашимиз керак, — дейди корхона бош муҳандиси Асадулло Ҳикматов. — Бунинг учун газдан, сувдан, электр қувватидан фойдаланишда тежамкорликка эришишимиз талаб этилади. Яна бир муаммони ҳал этдик: аввалари бирор дастгоҳимиз бузилгудек бўлса, четдан уста чақирардик. Эндиликда эса корхонамизнинг ўз усталари бор. Четга маблағ совуришга чек қўйдик. Насиб этса, фақат олий нав ундан нон тайёрлаётган маҳсулотларимизни анча арзонлаштирамиз.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Корхона раҳбари Зуҳриддин Эрматов. 2. Ишлаб чиқариш бўлими мудири Мубашир Шоҳўжаев ва лаборатория бошлиғи Мая Асмановалар нонинг сифатини текширишмоқда.

Содиқ МАҲКАМОВ олган суратлар.

ХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҲАВОЛА

Қозоғистоннинг янги конституцияси лойиҳаси матбуот орқали халқ муҳокамасига ҳавола этилди.

Шу йилнинг 30 августида ушбу лойиҳа умумхалқ референдумига қўйилади.

Алматида Президент Нурсултон Назарбоев иштирокида ушбу масалага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

АЛМАТИ. Қозоғистон пойтахтида Евроосиё мамлакатлари биринчи халқаро санъат фестивали очилди. Анжуман буюк қозоқ шоири ва мутафаккири А. Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган.

Фестивалда Россия, Украина, Беларус, Ўзбекистон, Қирғизистон, Буюк Британия, Германия, Финляндия ва бошқа мамлакатлардан таниқли санъат усталари иштирок этмоқда. Санъат анжумани бир ҳафта давом этади.

МУҲИМ ТАДБИРЛАР

БИШКЕК. Қирғизистон Республикаси Президенти матбуот хизмати мамлакатда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва хориждан инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилиш юзасидан тадбирлар белгиланаётганини маълум қилди. Ушбу хабарнинг тарқатилишига Қирғизистонда қишга ғалла етишмай қолиши мумкинлиги ҳақидаги миш-мишлар сабаб бўлди.

ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗЛАР

ДУШАНБЕ. Тожикистонда қочқинлар муаммосини ҳал этиш борасида яна бир муҳим тадбир бошланди. Республиканинг водий туманларидан уруш туфайли Тоғли Бадахшон мухтор вилоятига қочиб кетган 9 минг киши илгари яшаган жойига қайтиб келмоқда.

Тожикистон ҳукумати Ҳамдўстлик мамлакатларида яшашга мажбур бўлган 500 мингта яқин Тожикистон фуқаросини мамлакатга тезроқ қайтариш учун катта ижтимоий имтиёзлар жорий этди.

МУЗОКАРАЛАРНИНГ БЕШИНЧИ БОСҚИЧИГА ҲОЗИРЛИК

ДУШАНБЕ. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов, республика ҳукумати мамлакатдаги тангликни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори эканини айтди.

Президент И. Раҳмонов Тожикистонга ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Альберт Чернишев билан учрашувда Тожикистон ҳукумати ва муҳолифат вакиллари ўртасидаги музокараларнинг бешинчи босқичини утказиш юзасидан қурилаётган чоралар ҳақида сўзлаб берди.

Унинг таъкидлашича, музокаралар муддати БМТ Бош котибининг шахсий вакили Рамиро Пирис-Балон мухолифат вакиллари билан учрашганидан кейин аниқ бўлади.

КЕЛИШУВГА ХИЛОФ РАВИШДА

ДУШАНБЕ. Тожикистон ҳукумати раҳбарлари билан мухолиф кучларининг Алматида бўлиб ўтган музокаралари чоғида ҳарбий асирларни ўзаро алмашиш юзасидан аҳдлашувга эришилган эди.

Бу ишга кўмаклашиш учун халқаро Қизил ХОЧ миссияси Тожикистонга келди. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, айни пайтда ҳукуматта мухолиф томон Алматидаги келишувга хилоф равишда 165 та эмас, бор-йўғи 21 та ҳарбий хизматчини алмаштиришни маълум қилган.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан суҳбат

— Бўритош Мустафоевич! 1995 йилнинг 1-ярмига ҳам яқин ясалди. Кўрсаткичлар қандай? МДҲ билан солиштириб кўрадиган бўлсак...

— Барчани жиноятчиликка қарши кескин курашга чорлаган Президентимиз бошлаб берган ошкора ишлар шу кунларда ўз маҳсулини бермоқда. Жорий йилнинг 6 ойида жиноятчиликнинг умумий саҳни 8,5 фоизга камайган, Давлат ва жамоат мулкини босқинчилик ҳужумлари уюштириш йўли билан эгаллаш жиноятларини 17,2 фоизга камайтиришга эришилди. Талончилик мақсадидаги жиноятлар 24,7 фоизга қисқарди.

Худди шундай вазият фуқароларга нисбатан уюштириладиган босқинчилик, талончилик ҳужумлари каби жиноятлар тури бўйича ҳам юз берди. Бу жиноятларни содир этувчиларни фош қилиш кескин ошишига эришилди. Автоуловларни ҳайдаб қочиш жиноятлари 15 фоизга, оғир ва ўта оғир жиноятлар 21,7 фоизга камайган. Номусга тегиш, товламачилик, валюта, порахўрлик ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар ҳам озайгани аниқланган.

Айни шу турдаги жиноятларнинг ортиб бориш сабаб ва омиллари ўрганиб чиқилди.

— Кейинги пайтда «иқтисодий жиноятчилик» деган жумла кўп такрорланадиган бўлди. Жиноятчиликнинг бу турига қарши кураш ҳам бугунги кунда прокурорлар олдидаги муҳим иш. Тўғрими?

— Маълумки, ўтиш даврида, иқтисодий қийинчилик кучайди. Давлат ва жамоат мулкини турли йўллар билан талон-торож қилиш кенг томир ейди. Шу сабабли, сиз айтган жумла кўп такрорланган.

Қисқа даврда ўз қонунларимизга эга бўлиш, бозор инфраструктурасини яратиш, ташқи иқтисодий сиёсатни эркин йўлга қўйиш, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиб боришимиз, халқнинг маънавий-ахлоқий бойлиги — тарихни тиклаш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш йўлида Президентимиз раҳбарлигида олиб борилган катта ишлар қонун бузилишларининг сезиларли даражада олдини олди.

Айниқса, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан ҳаётга татбиқ қилина бошлаган Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят Кодексининг махсус қисми X—XIII бобларида иқтисодий соҳадаги жиноятлар ҳақида тушунча ила жазо белгилангани, бу йўналишдаги иш нафақат биргина прокурорлар олдидаги, балки давлатимиз олдида турган муҳим иш эканлигидан далолат беради.

Ишончим комилки, юртбошимизнинг «Ўзбекистон — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида»ги китобининг иккинчи қисмида «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» деб белгилаб берган асосий вазифаларни амалга оширишимиз ва унга эришишимиз бу турдаги жиноятларни кескин камайишига олиб келади.

— Халқ кўриб турибди. Автомобиль ўғрилари, рэкет, «разбор» деган жиноятларнинг уюшган хавфли турлари мамлакатимизда кескин озайди. Ҳатто буни хорижий мамлакатларда ҳам тан олишмоқда...

— Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда оғир жиноятлар, уларнинг уюшган турлари кескин камайди.

Бунга асосий сабаблар:

Биринчидан — оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Иккинчидан— жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, унинг оғир ва хавфли турлари бўлган коррупция, жиноий уюшма, одам ўлдириш, оғир ҳолатларда номусга тегиш ва бошқаларни ўз вақтида тезкорлик билан очиш, тергов-ни сифатли ўтказиб, айбдорларни судга бериш. Ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги хусусидаги талабларни бажаришда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Учинчидан — жиноятчиликка зарба бериш маълум вақтга белгиланган чора эмас, балки кундалик ишга айлантирилди.

Масалан, фақат республика прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси терговчилари томонидан кейинги 2,5 йил ичида 306 га яқин жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тугатилиб, 453 дан ортиқ ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жиноят ишлари айблов хулосаси билан судга юборилган.

Ҳозир бу жиноят ишларининг кўпчилик қисми Олий суд, вилоят судлари томонидан кўрилиб ҳаққоний, қонуний ҳукмлар чиқарилган. Ўта оғир жиноят содир қилган маҳкумлар узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш ёки олий жазо — отиб ўлдиришга маҳкум этилди.

Масалан, Исмоилов Аҳмад — лақаби «Холдор»нинг жиноят иши. Бу шахс уюшган жиноий гуруҳ тузиб, бир неча йил мобайнида қабиҳ, оғир жиноятларни содир қилиб келган. Исмоилов Республика Олий Суди томонидан отишга ҳукм қилинди. Ҳукм ижро этилди. Бандаларнинг бошқа аъзолари (жами 8 киши) узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Бундан ташқари Мамадалиев, ака-ука Ахатовлар, Аҳмедов Расул ва Равшанларнинг уюшган гуруҳлари содир қилган жиноятлар ва бошқа шу каби бир қатор жиноят ишлари терговчилар томонидан тамомланиб судга юборилди. Булар бўйича олий жазо — ўлим жазоси чиқарилиб, ҳукмлар қонуний кучга кирган.

Бу жиноий ишларнинг барчаси ўта мураккаб, кўп эпизодли бўлиб, жиноятчилар бир неча йил мобайнида оғир жиноятларни содир қилиб келганлар.

Масалан, Когай ва Ражабовларнинг гуруҳи 30 дан ортиқ оғир жиноятларни, шу жумладан, бир неча одам ўлдириш жиноятларини содир қилган.

Тергов қилинган оғир жиноятлардан яна бири «Дендропарк» боғида бўлиб ўтган икки жиноий гуруҳ ўртасидаги отишма. Бу иш бўйича 15 кишига эҳтиёт чораси сифатида — қамоққа олиш қўлланилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Олий суднинг ҳукмига кўра қуролли банда бошлиқлари ва уларнинг аъзоларидан 4 киши улим жазосига, қолганлари узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Худди шундай Қашқадарё вилоятидан бир неча йил мобайнида оғир жиноятлар содир этган Барно Аҳмедов бошлиқ жиноий туда (жами 16 киши) 40 дан ортиқ жиноий ишга қўл урган. Шулардан 2 таси одам ўлдириш билан якунланган. Туда аъзоларидан 3 киши — Барно Аҳмедов, Элбўри Бобоқулов ва Зарип Шокировлар олий жазога, қолганлари 4 йилдан 17 йилгача бўлган муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар.

— Баъзи мансабдор шахслар ўзларининг эгаллаб турган лавозимларидан фойдаланиб, порахўрлик, таъмагирлик қилаётганини эшитиб қоламиз.

— Жамиятимизда порахўрлик, таъмагирлик, талончилик ва ҳоказолар ҳалиям учраб турибди. Бу соҳада Ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизматлари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилянти.

Тергов гуруҳи томонидан 1995 йилнинг январь ойи охирида «Ўзбеккабель» мансабдор шахслари ўз хизмат мансабларини мунтазам равишда суиистеъмол қилиб, давлат мулкини ўзлаштириш, талон-торож қилиш, пора олиш билан шуғулланганлиги ҳодисаси бўйича қўзғатилган жиноят иши айблов хулосаси билан тамомланиб, судга юборилди. Ҳаммаси бўлиб 14 та жиноят иши бўйича 26 шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Бу жиноят иши бўйича фақат айбланувчи Ярховнинг ўзи давлатга қарийб 2 млн. сўм зарар етказган. Тергов жараёнида шунинг ярим миллиондан кўпроғи ундирилган. Тошкент шаҳар судининг ҳукмига кўра Ярхов 12 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулки давлат ҳисобига мусодара қилинган. 13 та жиноий иши бўйича 16 кишига нисбатан судларнинг ҳукми чиқарилиб, улар қонуний кучга кирган. Ҳозир 10 кишига нисбатан битта жиноят иши шаҳар судида кўрилянти.

Навоийлик Джаниев Егамберди масъул лавозимни эгаллаб турган мансабдор шахс бўлган, 1994 йил 22 октябрь куни фуқаро Аҳатов Жамшидга тегишли бўлган материални унинг фойдасига ҳал қилиш мақсадида товламачилик йўли билан ундан 10 минг сўмни пора сифатида олаётган вақтида тергов-тезкор гуруҳи томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Ушбу жиноят иши 2 ой тергов қилиниб, Е. Джаниевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 152-моддаси 3 қисми билан айб эълон қилинди. Иш айблов хулосаси билан Бухоро вилоят судига юборилганди. Порахўр 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Божхона хизмати катта нозири Мирқодиров Р. — 1000 (минг) АҚШ доллари-ни пора тариқасида олаётганида терговчиларимиз томонидан қўлга олиниб жиноят иши айблов хулосаси билан Тошкент вилоят судига юборилган. Вилоят судининг ҳукмига кўра у 6 йил озодликдан маҳрум қилинган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Президентимиз «Туркистон — умумий уйимиз» деган ажойиб ташаббус билан чиқди. Буни кўпчилик мақуллямоқда. Бу соҳада ҳуқуқшуносларимиз ҳам Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳамкасблари билан қандай ишларни амалга оширмоқдалар?

— Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан Марказий Осиё давлатлари прокуратуралари ўртасида дустона муносабатлар ўрнатилган. Бизнинг қарашларимиз 1993 йил 22 январда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг раҳбарлари томонидан имзоланган «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Конвенция қоидаларига асосланади.

Биз билан Қозоғистон, Қирғизистон республикалари прокуратуралари ўртасида ҳам идороларо узаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузилди.

Ўтган йили Қозоғистон прокуратураси вакилларининг ижобий иш тажрибалари билан ўртоқлашдик. Узаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битим қоидаларини қандай амалга ошириш юзасидан кўплаб масалаларни муҳокама қилдик. Шу йилда Россия, Украина, Германия давлатлари билан узаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашдик. Келган эксперт-туруҳлари билан ушбу масалаларни муҳокама қилишда иштирок этдик. Бир неча давлатларнинг прокурорлари билан тўғридан-тўғри хизмат алоқалари ўрнатдик.

Ўтган ярим йил давомида МДҲ ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан юборилган узаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 90 дан ортиқ илтимосномалар кўриб чиқилди ва ҳал қилинди. Бошқа давлатларга ҳуқуқий ёрдам сўраб прокуратурамиз томонидан 51 та илтимоснома юборилди.

— Мамлакатимиз ғалла мустақиллиги сари дадил қадам ташламоқда. Аммо жойларда дон маҳсулотларини талон-торож қилинаётгани ҳақида матбуот саҳифаларида хабарлар берилди. Бу борада прокурор назорати қандай ўрнатилган?

— Вақтида четдан олинадиган ғалла учун қарамлик жиддий муаммо эди. — Қишлоқ хўжалигида банд бўлган 3 миллион 700 минг кишига ер, сув, техника воситаларини етказиб бериш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан юртбошимиз 1994 йил 18 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида батафсил тўхталиб ўтган эдилар. Ҳозир 65 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолини ғалла билан ўзини-ўзи таъминлаш мумкинлигини ҳам Президентимиз нафақат илмий томондан, балким амалда ҳам исботлаб бердилар.

Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш жараёнида одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди. Ер олган одам даромад ола бошлаганини, ўзини хўжайин деб эркин ва мустақил ҳис қилиб, республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшганликларини ҳамма яхши билади.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллиги йўлида олиб борган саъй-ҳаракатларимиз натижасида 1994 йилда Ўзбекистон 1 миллион 300 минг тонна ғалла йиғиб олди. Бу йил 3 миллион 300 минг тонна ғалла йиғиш режалаштирилган. Жойларда дон маҳсулотларини талон-торож қилиш, экин майдонларини пайҳон қилиш ҳоллари ҳам учраб турди. Бундайларга нисбатан аввало ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда кенг қуламли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бордик. Айрим учраган қонун бузувчиларга нисбатан эса қонуний чоралар кўрдик.

Прокурор ходимларимиз бошқа қонунлар қаторида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва республика ҳукумати қарорларини аниқ бажарилиши юзасидан прокурорлик назоратини конституциявий ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириб, халқ манфаати йўлида хизмат қилиб келмоқдалар.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!
Ўзбекистон бозорларида бўндай сифатли моллари ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси, Толариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали,
98-47-92 - савдо зали,
98-47-95 - кўргазма зали.



АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

Танлов

КЎПРИКСОЗЛАР КЎРИГИ

• **ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Қўқонда малакали кўприксоз-мутахассисларнинг республика кўрик-танлови ўтказилди.**

Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган кўприксозлар икки босқичда уч кун ўзаро баҳслашдилар. Улар ўзларининг назарий ва амалий билимларини намойиш этдилар. Танловда Фарғона вилоят кўприксозларига биринчи ўрин берилди. Қашқадарё ва Қорақалпоғистон усталари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Алишер ИБОДИНОВ.

"ДИНА"
ҳуқуқий компанияси
— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳрларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича **хизматларни кўрсатади.**

Шартномаларни тузган мижозлар:
— кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш;
— фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан **бепул маслаҳатлар оладилар.**

Алоқа учун телефонлар:
79-14-77, 79-14-78, 72-35-31.
Манзилимиз: Тошкент,
"Халқлар дўстлиги" кўчаси,29-уй
"Собир Раҳимов" метро бекати.

Д И Қ Қ А Т!

Пойтахтимиздаги «ШУҲРАТ» магазинида Покистонда ишлаб чиқарилган кенг халқ истеъмоли моллари савдоси ташкил этилди. Бу ердан харидорлар кийим-кечаклар, чарм курткалар, пойабзаллар ва бошқа турли хил буюмларни сотиб олишлари мумкин.

Дўконимизга марҳамат қилинг!

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 11-квартал, 2-уй. «ШУҲРАТ» магазини.

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

ВАТ

ЎзБАТ
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Жаҳон тамакичилик саноатида катталиги жиҳатидан иккинчи компания ҳисобланган "Бритиш — Америкэн Тобакко" ("Би-Эй-Ти") компанияси гуруҳининг аъзоси — ЎзБАТ АЖ қўшма корхонаси бўш лавозимларни тўлдириш учун танлов эълон қилади ҳамда ишлаб турган Тошкент тамаки фабрикасига, шунингдек, яқин келажакда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарета фабрикасига ёши 40 дан ошмаган янги ходимларни ишга қабул қилади.

Ўринлар:
— муҳандис-механик
— муҳандис-электрик
— муҳандис-электрончи
— техника хавфсизлиги бўйича муҳандис
— муҳандис-технолог
— ишлаб чиқариш бўйича менеджер
— ишлаб чиқариш участкасининг мастери
— маъмурий-хўжалик хизматчилари
— механиклар
— машинист-операторлар
— электриклар
— слесарлар
— техниклар

Камида талаб этиладиган малака
— олий ўқув юртларининг битирувчилари
— олий ўқув юртларининг тижорат,статистика, бизнес-бошқарув мутахассислиги бўйича битирувчилари
— техникумлар ва ҳунар техника билим юртларининг битирувчилари

Иш стажи номзодларни танлашга таъсир этмайди. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимига номзодлар бундан мустасно, улар мутахассислик бўйича камида 3 — 5 йил иш стажига эга бўлишлари лозим.

Муҳандис-техник ходимлар учун инглиз тилини билиш ва компьютерда ишлай олиш қўшимча устунлик беради.

Ҳалол ва виждонан ишлашга интилиш ва ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасига қадар модернизация этиш шароитларида ўз техникавий малакасини ошириш истаги билан ажралиб турувчи номзодлар афзал кўрилади.

Тўлдириш учун анктеани ЎзБАТ АЖ ҚК Бош идорасининг кадрлар бўлимида (манзили: Тошкент шаҳри — 700084, Ҳусниддин Асомов кўчаси, 4-уй) ва Самарқанд тамаки ферментация заводида (манзили: Самарқанд шаҳри — 703031, Рудакий кўчаси, 150-уй)дан олиш мумкин. Барча номзодлар танлов асосида дастлабки саралашдан ўтадилар ҳамда шахсан суҳбатга таклиф этиладилар.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

ҚОВУН ВА ТАРВУЗ ХОСИЯТЛАРИ

БИТТИХ — форсча арбуза, туркча қовун ва ҳиндча пўст дейилади. Етилиб пишгани латиф жавҳар, хоми эса ғализ жавҳардир. Бироқ ҳар иккови ҳам пешоб ҳайдовчи ҳисобланади. Нақл қилинишича, Набийи Арабий айтган: «Ширин қовун гўштни кўпайтиради. Ширин ва бемаза ўртасидаги ёғни кўпайтиради, бемазаси эса бавосилга қарши фойда қилади». Дискуридус айтадики: «Қовун эти сийдик ҳайдайди, кўзнинг иссиқ шишига қарши боғланса, оғриқ қолдиради». Жолинус айтади: «У ҳўл — совуқдир, юзга суртилса, юз доғини йўқотади, жило бериш кучи ўзига нисбатан уруғида кўпроқ. Доимий ейишдан ёмон ҳилт (суюқлик) пайдо бўлади. Қовун ейилса ва орқасидан таом истеъмол қилинса, баданга яхши овқат бўлади. Ортиқча ейиш хушдан кетишни пайдо қилади.

Айтадиларки, қовун етмиш иллатга, масалан, мохов, пес, жиннилик кабиларга даво бўлиб, уларни бадандан ҳайдаб чиқаради, танга шифо ато қилади, буйрак ва қоринни ювади, пушт суви ҳамда жинсий қувватни оширади, юз рангини очади ва баданни семиртиради. Абу Али ибн Сино айтади: «Қовун меъда бузилса, заҳарга айланади, бундай ҳолда бирор чора билан уни меъдадан чиқариш зарур. Агар бузилмаса, ошқозонда қандай ҳилт бўлса, қовун ҳам ўша ҳилтга айланади». Абул Аббос айтади: «Унинг уруғини янчиб, сувга солиб, ичиб, сўнг ичилса, кўкрак оғриги ва иссиқ яллиг билан кечувчи йўтали йўқотади, сафродан юз берган иситма ҳамда жигар иссиқлигига қарши фойда қилади, тиқилмаларни очади, буйрак ва қовуқ йўлларини тозалайди». Исроилий айтади: «Унинг янги пўстидан олиб, ҳаммомда юзга суртилса, юз терисини тозалайди. Қовун ҳиди миянга ҳўллик ато қилади. Унинг қуритилган пўстини янчиб, қозонга солинса, қаттиқ гўштни тез юмшашига сабаб бўлади». Муҳаммад Закариё айтади: «Иссиқ мижозли кишилар қовун еганда (унинг зararини йўқотиш учун) сиканжубин ичишлари ёки аччиқ анор ейишлари керак. Совуқ мижозлилар эса кундур ёки занжабил ҳазм дорисидан истеъмол қилишлари керак. Қовун ва асални аралаштириб еб бўлмайди».

БИТТИХИ ҲИНДИЙ — икки ҳил нав бўлиб, форслар ҳиндувона, турклар ҳарбуз ва тарбуз дейдилар. Муҳаммад Закариё айтади: «Тарвуз баданга ҳўллик берувчидир, ундан ширин балғам ҳосил бўлади, қуйдирувчи иссиқ иситмага қарши наф қилади, иссиқ мижозни ўзгартириб, тартибга туширади. Сувли қон ҳосил қилади».

«БАҲР АЛ-ҲАВОС»дан.

«ЮЗ ЎГИТ» РИСОЛАСИ

Муаллиф ҳар хил мунофиқлик ва такаллуфдан ҳоли бўлмиш «Панднома»нинг ҳалойиқ орасига ёйилишига ва шу баҳона билан ҳукамолар орасидан ўз ўрнини топиш ва бу рисоладаги панднасиҳат ҳаммага маъқул келишига умид қилади. Қуйида «Юз ўгит»дан айримларини ҳавола этамиз.

· Фурсатни қўлдан берманглар!

· Тан соғлиқ, хотиржамликни подшоликдан афзал кўринг!

· Такаббур кишиларга салом берманг!

· Хушчақчақ, хушфеъл, хушмуомала ва қаландарсифат кишиларга биздан салом денг!

· Жонингизни ҳақиқий дўстлар жонига фидо қилинг!

· Яхшиларнинг дийдорига боқиш — умрни узайтириши, кўзни ўткирлаштириши ва кўнгилни ҳар хил ғубордан пок этишини зинҳор унутманг!

· Қошини чимириб, қовоғини солиб, афтини буриштириб, ёлғон ишлатиб, сурбетлик қилиб юрадиган муттаҳамларга лаънат ўқинг!

· Сархушларга лутфу марҳамат қилинг!

· Хотин-халажнинг тузоғига илинишдан эҳтиёт бўлинг, айниқса, болали ва бева хотинлардан!

· Қариган чоғингизда ёш хотиннинг меҳру муҳаббатига умид боғламанг!

· Таом ва шаробни ҳеч қачон ёлғиз ичманг.

· Кўш хотинли одамнинг уйидан хурсандчилик, осойишталик ва хайру барака қидирманг!

· Мастларнинг ваъдасига, хотин-халажнинг нозкарашмасига, қабиҳ кишиларнинг аҳд-паймонига умид боғламанг!

· Устодлар, улуғлар, валиаҳдлар ва ўзингиздан юқори турган шахсларга ҳамиша таъзим этинг, акс ҳолда обрўйингиздан айрилиб қолишингиз мумкин.

· Тиланчиларнинг ҳақоратини, хотинларнинг шапологини, масхарабозларнинг сўзини кўнглингизга олманг!

· Жанжалкаш одамларнинг суҳбатидан ҳазар қилинг!

· Чайқовчилардан ҳақ гап ва адлу инсоф кутманг!

· Ноқобил фарзанддан, муросасиз хотиндан, қайсар хизматкордан, қари уловдан ва нафи тегмайдиган дўстдан манфаат кутманг!

· Ёшликни қариликдан, саломатликни хасталикдан, бойликни камбағалликдан, ғарликни қаллобликдан, мастликни ширакайфликдан, хушёрликни девоналикдан афзал кўринг!

· Маъшуқангизнинг эшигини бировларга кўрсатманг!

· Уруғ-аймоғнинг миннати, хасисларнинг дастурхони, амалдорларнинг пешона тиришторишини, уйдагиларнинг муросасизлиги ва қарз берувчиларнинг кистовидан эҳтиёт бўлинг!

· Ҳазилни кўнглингизга қаттиқ олманг ва ҳазилкашларга ёмон кўз билан қараманг!

Убайд ЗОКОНИЙ.

Аломат гаплар

ЧИГИРТКА УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

— Узоқ умр кўриш сири тўғри овқатланиш ва аҳлоқий қоидаларга риоя қилиш пардасига ўралган бўлади, — дейди мухбирлар билан суҳбатда Йоханнесбургда истиқомат қилаётган Дора Романтива. — У 1881 йилнинг 27 июлида дунёга келган. Мен яхши кўрган егуликлар — чигиртка, қовоқ уруғи, тошбақа гўшти, доривор гиёҳлар, қуритилган мевалар ва бир пиёла кофе.

Яқинда бу аёл туғилган кунини қариялар уйида шамлар ёқилган тортлар билан безатилган дастурхон атрофида 105 ёшли дугонаси Эмилия Молефа, катта қизи 75 ёшли Маргарита Работапи даврасида нишонлади. Маълум бўлишича, ҳозирги юзидаги энг кекса аёллардан бири француз Жанна Калман бўлиб, у шу йил 21 февраль куни 120 га кирган.

ЁЛҒОН ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Яқинда нигериялик 65 ёшли Альҳажа Мосинату Вураола Абайоми хоним мамлакатдаги энг кекса она «шуҳрат»ини олишга озгина қолди. У Нигерия телевидениеси орқали оила мавзусига бағишланган кўрсатувда чиқиб, қирқ йиллик қийинчиликлардан кейин фарзанд кўргани ҳақида тўлқинланиб гапирди. «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг мен 65 ёшимда биринчи марта фарзандлик бўлдим» деди у кўзларига ёш олиб. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, бу аёл ёлғон гапириб, кўпчиликни алдаган экан. У шаҳардаги туғруқхоналардан биридан икки кунлик қизчани ўғирлаб кетиб, ўзига фарзанд қилиб олган.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 7

ЎзТВ I

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Доктор Айболит". Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри спектакли. Телепремьера.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Фасли ёз".
20.05 "Ёшлик" студияси. "Газалхон ёшлигим".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов.
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 1-қисм.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".
19.30 "Ўй остонадан бошланади..."
19.50 "Саломатлик — туман бойлик".
20.20 "Спорт-тайм".
20.50 — 22.30 "Шоирнинг тақдири". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 — 00.10

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Миниатюралар". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Истиқлол жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Салом, ёшлар!"
21.30 Жаҳон географияси.
22.20 Эълонлар.
22.25 Видео — "О".
00.05 Эълонлар.
00.10 "Курьер".
00.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
00.40 — 00.50 "Постфактум".

СЕШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 1-қисм.
9.10 Немис тили.
9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
10.20 "Болангиз мактабга тайёрми?"
10.50 "Ишбилармон".
11.20 Ўзбек куйларидан концерт.
12.00 — 13.35 "Буланка меҳмонхонаси". Бадиий фильм.

***

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча".
18.40 "Маърифат бешиги".
19.10 "Кеча ва бугун".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида.).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Уч дугона — уч моҳируй". Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 Истиқлол ва истиқбол. "Мен озодликка интилдим".
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 2-қисм.
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.35 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.25 Видеогид.
21.45 "Теле-ателье-шоу".
21.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.35 — 00.15 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 — 23.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Салом, Франция!".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Спектр".
21.25 "Жаҳон ва биз".
21.55 " Соккер-клуб".
22.40 — 22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 2-қисм.
9.05 "Янги алифбони ўрганамиз".
9.35 "Ёзимиз соз ўтмоқда".
10.05 Талабалар саҳнасида.
11.05 "Билим ва амал".
11.45 Самарқанд вилоят "Даргом таронаси" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
12.25 — 14.25 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Тилга эътибор..."
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 "Тарихнинг уқилмаган саҳифалари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Инсон ва қонун".
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 Истиқлол ва истиқбол. "Озод юрт қушиқлари".
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 3-қисм.
23.20 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Наманган вилояти.
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Кичик дебют".
19.00 "Шинам шаҳар".
19.45 "Тошкент оқшомида".
20.45 "Хусусийлаштириш".
21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

ЎзТВ

20.45 — 22.00 "Одамато қовурғаси". Бадиий фильм.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 — 23.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Сахий ҳонадонда".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Истиқлол жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 3-қисм.
9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.40 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."
10.10 Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
10.45 "Халқ оғзаки ижоди".
11.15 "Оламни асранг!".
11.45 — 13.45 Ўлмас Умарбеков. "Фотима ва Зуҳра". Муқимий номидаги Давлат мусиқали драма театрининг спектакли. Телепремьера.

***

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Бу дамлар ўхшар эртакка..."
18.40 "Компьютер-шоу".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ёш бастакорлар". Султонали Раҳматов.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Санъатга бахшида умр". Рустам Бобохонов.
22.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 4-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Қўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.50

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.50 — 23.40

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Эсдалик учун дастхат".
20.15 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 "Умид" (уйғур тилида).
22.05 "Қиммат ва қиймат".
22.35 — 23.05 "Фармон ва ижро".

ЖУМА, 11

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 4-қисм.
9.05 Немис тили.
9.35 "Ёшлик" студияси. "Баҳс".
10.20 "Ўзкинохроника" студиясининг ҳужжатли фильмлар дастури.
11.00 "Компьютер-шоу".
11.45 — 13.10 Тоҳир Малик. "Заҳарли томчилар". Йўлдош Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

***

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
18.55 "Фан фидойиси". Академик Восил Қобулов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 I Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
20.20 Истиқлол ва истиқбол. "Достонларда битган гулистон".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар,
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 5-қисм.
22.25 "Д. Д. Д. ва бошқалар". Спорт кўрсатуви.
23.25 "Назм ва наво". Оғаҳий лирикаси.
00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.45 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар дунёси.
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши".
20.00 "Шаҳар юмушлари".
21.00 "5+1".
21.30 "02" тулқинида.
21.55 — 23.00 "Эгнар чашмаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 — 23.50

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Зумраша" ҳузурида меҳмонда".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:

19.50 Истиқлол жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Кулгига нима етсин".
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 5-қисм.
8.55 Оналар мактаби.
9.25 "Раъноларни сев, гулим". Мусиқий композиция.
10.05 Футбол бўйича "Пахтакор-79" хотира турнири. Финал.
10.50 "Ўзбекистон — Ватаним маним". Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 1 йиллигига бағишланган видеофильм.
13.30 — 15.30 "Маънавият" видеоканали.

***

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат ғунчалари".
18.35 "Ёшлик" студияси. "Қизлар даврасида".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбекистоним сенга". Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 6-қисм.
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон — Қиргизистон олимпиада терма жамоаларининг учрашуви.
00.10 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ателье-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
13.05 "Кинонигоҳ".
14.45 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

*

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Рок-сеанс".
19.50 "Пульс". Хабарлар.
20.05 "Менинг кўчам".
20.20 — 22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 — 23.55

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Замандас" (қозоқ тилида).
10.50 "Дўстим Тиманчи". Болалар учун фильм.
12.00 — 12.25 "Тадбиркорлик мактаби".

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Кўли гул кишилар". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Чинсэн".
20.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.40 "Дўстларимиз сайёраси".
21.20 "Одамлар, йиллар, ҳаёт".
22.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.30 — 23.30 "Деҳқон даладан қайтди".

ЯКШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 6-қисм.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Кино таҳририяти" почтасидан.
11.45 "Қушиқларим сизга армуғон".
12.10 "Бунёдкор". Қурувчилар кунига бағишланади.
12.30 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 7-қисм.
13.20 — 15.20 "Болалигим — пошшолигим". Видеоканал.

***

17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Якшанба оқшомида". Қурувчилар кунига бағишланади.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Истиқлол жамоли.
21.35 Эълонлар.
21.40 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 7-қисм.
22.30 Эълонлар.
22.35 "Қанотлар парвози". Бадиий фильм.
00.05 — 00.35 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Қўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Кулгига нима етсин".
21.35 "Авто-салон".
21.55 "Америка қўлдузлари".
22.25 Эълонлар.
22.30 "Даракчи".
22.40 Эълонлар.
22.45 — 00.15 Видео — "О".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.20 — 21.50

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.50 — 23.35

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.30 "Менинг кўчам".
9.45 "Хушчақчақ суҳбат".
10.25 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.05 — 12.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.00 "Мусиқий саёҳат".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси". Покистон Ислом Республикасининг миллий байрами кунига бағишланади.
20.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.55 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 — 22.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"JUR BEK"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида *"Жўрабек"* хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг *"Стерлинг Хелс"* фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи *"Панадол"* дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

ХУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй. Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Миробод туман партия кенгаши биринчи котиби Б.Қ. Дадабоевга отаси **Кодиржон ДАДАБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт

Чим хоккей

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ БАҲСИДА

• Сеул шаҳрида қўлига чавгон тутган қизлар ўртасида Осиё чемпионлари кубоги учун мусобақа бошланди.

19 мамлакат жамоалари икки гуруҳга бўлиниб ўзаро куч синашишмоқда. Ҳар бир гуруҳда фахрли икки ўринни эгаллаган жамоалар совриндорлик баҳсини давом эттириш имкониятига эга бўлади. Ўзбекистон чемпионлари Бухоронинг «Ситора» хоккейчи қизлари Малайзия жамоасини 5:1 ҳисобида ютиб, ҳиндистонликлар билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашди.

Ёднома

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИ

• 11 август куни Нарпай тумани «Москва» жамоа хўжалигида собиқ пахтакорчилар хотирасига бағишланган ўзига хос маросим ва ҳал қилувчи учрашув бўлади.

Куни кеча ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда «Сўғдиёна» футболчилари «Нурафшон» жамоасини 3:2 ҳисобида енгишди. Навбаҳорчилар эса Янгийўлнинг «Мебелчи» жамоасини қабул қилиб, учрашувнинг асосий вақтида ҳисобни 2:2 қилишди, қўшимча вақтда эса 3:2 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб, финалда «Сўғдиёна»ва «Навбаҳор» майдонга тушадиган бўлди. Шунингдек, айни кунларда пахтакорчилар хотираси учун ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилмоқда. Тошкентнинг «Чилонзор» ўйингоҳида ўтказилган дастлабки ўйинлар қуйидагича тугади. «Пахтакор» — Алмати болалар ва ўсмирлар спорт мактаби — 1:2, «Мотор» (Прокопьевск) — Тошкент олимпиада ўринбосарлар мактаби—0:3, «Прогресс» (Зарафшон) — Бишкек болалар ва ўсмирлар спорт мактаби -6:1, «Хотира» (Уйчи)-МҲСК—2:2.

Олий лига

ПЕШҚАДАМЛАР САФАРИ

• Бугун олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг 17-тур ўйинларини ўтказадилар.

Иккинчи давра бошида бўлиб ўтган учрашувларда қайд қилинган йирик ҳисоблар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, юқори ўринларни эгаллаб турган пешқадам жамоаларнинг оралиқ марраданкейинги дадил одимлари кўпчиликни мамнун этди. Қизиғи шундаки, пешқадамлар ўз майдонларида ғалабага эришдилар. Фақат пахтакорчиларгина динамочилар майдонида ўйнаб устун келишди.

Бугун бўладиган ўйинларда эса пешқадамлар учрашувларни сафарда ўтказадилар. Шу боисдан ишқибозлар «Чирчиқ»— «Нефтчи», «Атласчи»— «Нурафшон», «Янгиер»— «Навбаҳор», «Наврўз» — МҲСК ўйинларига қизиқмоқдалар. Пахтакорчилар эса бу гал «Политотдел» жамоасини қабул қилишади. Навбатдаги тур олдидан ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олган.

	Ю	Д	М	Т	О
«Нефтчи»	13	2	1	50-16	41
«Нурафшон»	12	1	3	35-17	37
«Навбаҳор»	11	3	2	28-9	36
МСҲК	10	4	2	37-13	34
«Пахтакор»	8	5	3	28-15	29
«Сўғдиёна»	7	2	7	28-19	23
«Наврўз»	6	4	6	22-22	22
АСК	5	3	8	20-31	18
«Трактор»	4	6	6	14-20	18
«Политодел»	4	5	7	21-28	17
«Янгиер»	4	4	8	20-22	16
«Динамо»	4	3	9	12-23	15
«Атласчи»	4	3	9	15-32	15
«Темирйўлчи»	4	2	10	16-34	14
«Чирчиқ»	2	5	9	9-25	11
«Машъал»	2	4	10	7-36	10

Гиёҳвандлик — иллат

КОНСЕРВА БАНКАСИДАГИ ОҒУ

Самарқанд бож хизмати ва транспорт милицияси ходимлари биргаликда «Қорадори» операциясини ўтказиш чоғида «Душанбе — Москва» поездида кетаётган йўловчи — Россия фуқароси ёнидан уч килограммдан кўпроқ қорадори топдилар. Бангфуруш бу оғуни оддий консерва банкаси ичига яшириб қўйган экан. Аммо, божхона ходимлари анойи эмас, бинобарин, ажал уруғи билан савдо қилувчининг ҳийласи ўтмади.

Яна бир бангфуруш — маҳаллий пенсионер аёл назоратчиларнинг кексаларга ҳурмат билан муносабатда бўлишидан фойдаланиб қолишга умид қилган бўлса керак — бангни яширишга уринмаган. Аммо, Самарқанд билан Тошкент оралиғида қатнайдиган автобусни тек